Ушбу сонда:
2 Муаммо кўндаланг қўйилади ЛАБОРАТОРИЯНИНГ ЭГАСИ КИМ?
3 НАВРЎЗ ҚУВОНЧЛАРИ
4 ХОЛИДА халқаро ҳамжамият мукофоти совриндори

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 27 март, сешанба №46 (1060)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 март куни Оқсаройда Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Умар Изгини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, қардош турк халқи билан дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

- Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда бизни биринчилар қаторида биродарларча қўллаб-қувватлаган давлат Туркия эди, - деди Президент. - Буни халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Ўзбек ва турк халқларини нафақат бугунги дўстона ёки савдо-иқтисодий алоқалар, балки қадимий тарихий ришталар боғлаб туради. Ўйлайманки, ташрифингиз ўзаро алоқаларимиз янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ, иқтисодиёт, мудофаа ва хавфсизлик, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, алоқа, фан-техника, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик тобора ривож топиб бораётганини таъкидламоқ керак. Сўнгги пайтда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми нисбатан камайган бўлсада, Ўзбекистондан Туркияга экспорт ҳажми сезиларли даражада ортди. Жумладан, 1997 йилда Ўзбекистоннинг экспорти ўзаро савдонинг 21,0 фоизини ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 99,4 фоизгача кўтарилган.

Мамлакатимизда қатор турк фирма ва компаниялари фаол иш юритмоқда. Турк сармояси иштирокида тузилган «Папфен», «Кохис», «Шарқ-Мир Лтд» каби компаниялар фаолияти эътиборга молик. Шунингдек, 1999 йили Самарқандда ишга тушган «СамКўчАвто» қўшма корхонасини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Айни пайтда, Таш-қи иқтисодий алоқалар вазирлигида 27 турк фирма ва компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтган.

Туркия Буюк миллат мажлиси 1920 йили ташкил этилган. Мамлакатда бир палаталик парламент фаолият юритади. Умар Изги 2000 йил октябр ойида унинг раиси этиб сайланган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-Туркия муносабатлари ҳақида сўзлар экан, икки мамлакат парламентларининг ўзаро алоқалари ҳукуматлараро муносабатларнинг ривожига ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.

Дилшод ЮСУПОВ, (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига

НАМАНГАННИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистондаги автомобил йўлларини бундан ўн йил аввалгилари билан солиштириб бўлмайди. Бунинг яққол исботини Наманган вилоятида йўл қурилиш соҳасида эришилган ўзгаришлар мисолида кўриш мумкин.



- Шундай бир мисол келтирмоқчиман, - деб ҳикоясини бошлади «Наманганавтойўл» бирлашмаси раиси Икромжон Каримов, - 1991 йилда вилоят йўл қурувчилари автомагистралларнинг 61 километрини таъмирлашган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 20 баробар ортиқ бўлди. 1200 километрлик автомобил йўллари таъмирдан чиқарилди. Хусусан, Тўрақўрғон тумани ҳудудида 18 километрлик айланма йўл қурилди. Тўрақўрғонни вилоят маркази билан боғловчи автотрасса қайта таъмирланиб, троллейбус ҳаракати йўлга қўйилди.

Наманган вилояти ва республика йўл қурувчиларининг асосий ютуғи Қамчиқ ва Резак довонларидан ўтувчи Тошкент-Ўш автомобил йўлининг қайта қурилиши, бу ерда иккита ер ости йўли ўтказилиши ҳисобланади. Эндиликда Фарғона водийсини пойтахт вилояти билан боғловчи ягона автомобил йўлида ҳаракатланиш ҳайдовчилар ва йўловчилар учун қулай ҳамда хавфсиз бўлиб қолди. Ер ости йўлларининг ишга туширилиши мураккаб тоғ йўлларидан ҳаракатланиш заруратидан халос этди.

Тез кунларда трассада автобус ҳаракати ҳам йўлга қўйилади. Қисқача айтганда, Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланган бу йўлнинг аҳамияти катта. Бундай кенг кўламли ишлар кўп миқдорда маблағ талаб қилади, албатта. Кейинги беш йил ичида Тошкент-Ўш йўлининг тоғдан ўтадиган қисмида деярли 3,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Йўл қурувчилар автомобил йўли ва ер ости йўлларининг аҳволини доимий назорат қилиб туришибди. Ҳозирги пайтда 2 та йўл таъмирлаш шахобчаси ишга туширилди. Тоғ йўлида ҳайдовчилар ва йўловчилар учун кемпинг қурилиши бошланган. Тоғдаги Резак қишлоғида шифокорлик пункти очилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга воқеа ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУЛИКЛА ГЎЗАЛ БУ ОЛАМ

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Наврўзи олам шодиёналарида кенг кўламли тадбирларни амалга оширяпти.

Айниқса, вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси Бойсун туманидаги «Меҳрибонлик уйи»га 150 минг сўмлик маблағ ўтказди. Кам таъминланган, кўп болали ўқитувчи оналарга 254,5 минг сўмлик байрам совғаси ҳадя этди.

Вилоят савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам Наврўз тантаналарида соҳадаги кам таъминланган фуқароларга моддий кўмак берди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

БОЖХОНА ФОЙДАЛАШГА ТОПШИРИЛДИ

Наврўз байрами шодиёналарини Бешариқ туманидаги Андархон божхона мажмуаси ходимлари қўшалоқ байрам сифатида нишонлади. Бу ерда барча қулайликларни ўзида мужассам этган «Андархон» божхона мажмуасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Унда ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнат қилиши ва қўшни Тожикистон республикасидан мамлакатимизга ўтиш истагини билдирган фуқароларнинг эркин ҳаракатланиши учун барча зарур шарт шароитлар муҳайё. Масканда иккита замонавий «Хайманн» назорат аппарати ўрнатилган. Улар мамлакатимизга олиб кирилаётган ва ташқарига олиб чиқилаётган юкларни зудлик билан назоратдан ўтказиш имконини беради. Шунингдек, масканда ҳужжатларни расмийлаштириш, валюта алмаштириш хоналари, божхона фаолияти билан боғлиқ қонун-қоидалар ва керакли маълумотларга ҳам алоҳида ўрин берилган.

Мажмуанинг очилишига бағишланган маросимда Республика Давлат божхона қўмитаси раиси генерал-майор Ўткир Комилов ва Фарғона вилояти ҳокими Алишер Отабоев иштирок этди.

(ЎзА).

САХОВАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ангора тумани марказидаги «Пахтакор» ўйингоҳида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналари кунида биринчи гуруҳ ногиронлари Рўзигул Раҳимова ва Бозор Абраевларга вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ажратилган ногиронлар аравачаси топширилди. Шунингдек, шу куни юз нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига совға-саломлар улашилди.

— Бу ҳали саховат, хайрия ишларининг дебочаси, - деди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи А.Мавлонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ҳукуматимиз қарорларидан келиб чиқиб ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар аҳволидан доим хабар олинмоқда, имкониятга қараб моддий ёрдам берилмоқда. Бу борада Ангор туманида олиб борилаётган ишлар чиндан ҳам эътиборга лойиқдир. Наврўз шарофати билан бу ерда тўққиз нафар пенсионер ва ногиронга реабилитация техник воситалари тарқатилди. Туман ҳокимлиги ногиронлар аравачалари харид қилиш учун ўч юз минг сўм пул ажратиб, тегишли ҳисоб рақамига ўтказди.

Меҳнат ва рағбат

ЎРТАЧА МАОШ — 34 МИНГ СЎМ

Қувасой шаҳридаги «КВАРЦ» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси корхона ходимларининг меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор билан қарашади. Жамоа аъзоларининг меҳнати, соғлигини муҳофаза қилиш, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш борасидаги ибратли тадбирлар бунинг исботидир.

Жамиятда ўтган йил бошида ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 13 минг 621 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ноябр-декабр ойларига келиб 28 минг 301 сўмга етди. Бунга ишлаб чиқаришда фидойилик кўрсатаётган, юксак малакали мутахассисларга ҳар ойда берилаётган 4 мингдан 10 минг сўмгача мукофот пулини қўшсак, рақамлар салмоғи янада ортади.

Ғамхўрлик оғушидаги ишчи ва хизматчилар меҳнатини муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлашни назарда тутиб, йилига икки марта кийим-кечак берилаётгани нур устига аъло нур бўлмоқда. Улар сут ва сут маҳсулотлари, бир маҳал иссиқ овқат билан бепул таъминланган. Ўтган йили фақат шу мақсадлар учун 150 миллион сўмликка яқин маблағ ажратилди.

Жамоа аъзоларининг соғлигини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамиша эътиборда. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 50 ўринли даволаш муассасаси — профилакторий, даволаш маскани улар хизматида. Ўтган йили 39 нафар касаба уюшма аъзоси республика миқёсидаги санаторий ва профилакторийларда ўз саломатликларини тиклаб қайтдилар.

Бундай ғамхўрликка корхона ишчи-хизматчиларининг фарзандлари ҳам мушарраф. Боғча-яслидаги барча сарф-ҳаражатлар корхона ҳисобидан.

Ишчи-хизматчиларни соғломлаштиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта. Шу ўринда ўтган йилнинг ўзида спортни ривожлантиришга, турли мусобақалар ўтказишга, янги спорт анжомлари сотиб олишга 1 миллион 300 минг сўм сарфланганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

- Корхонамизда асосан аёллар ишлайди, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Исмоилжон Умаралиев. — Биз маъмурият билан Оналар ва болалар йилида улар шароитини янада яхшилашга оид ўз тадбирларимизни белгилаб олдик. Шу муносабат билан ўртача ойлик маошни 34 минг сўм қилиб белгиладик.

А.ТЎХТАСИНОВ.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ҲУКМ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Самарқанд шаҳар Чустий кўчаси 6-уйда яшовчи О.Козимов бизга йўллаган мактубида фуқаро Шуҳрат Тоҳировга қўйилган айбларнинг айримлари асосли эмаслигини маълум қилган ва ўз навбатида таҳририят ушбу хатни тегишли ташкилотга чора кўриш учун юборган эди.

У ердан олинган жавоб хатида шундай дейилади:

— Фуқаро эътирози юзасидан шуни маълум қиламизки, Самарқанд шаҳар Темирйўл туман судининг шу йил 31 январдаги Ш.Тоҳировга нисбатан чиқарган ҳукми бекор қилинди ва мазкур иш қўшимча тергов ҳаракатлари олиб боришлик учун вилоят прокуратурасига юборилди.

С.ТУРСУНОВ, Самарқанд вилоят жиноий ишлар бўйича суди раиси.

Раҳбарнинг маънавий қиёфаси

НАЙРАНГ ФОШ ЭТИЛДИ

Меҳнат муҳофазаси ва эҳтиёт чоралари унутилган жойда қачондир кўнгилсиз воқеалар юз беради. Буни Сирдарё сув қурилиш трести мисолида кўриш мумкин.

Ўтган йилнинг июл ойида трестга қарашли «Толибжон» фермер хўжалиги раҳбари Асадулло Холбеков тик қудуқ насосини юргизиш чоғида ток уриб ҳалок бўлди. Биз мақоламизда мазкур фожеа сабаблари ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Гап бошқа ёқда.

Қисқаси, бу кўнгилсиз ҳолат ишлаб чиқариш билан боғлиқ, деган хулосага келинди. А.Холбеков оиласига 842490 сўм товон пули тўлаш кўчма жамланма зиммасига юклатилди.

Марҳумнинг маъракалари ўтгач, «Мирзачўл» кўчма жамланма бошлиғи вазифасини бажарувчи Ўринбой Асқобилов Асадулло Холбековнинг ўғли Дилшод Холбековни ўз ҳузурига чорлаб, жудолик ўтида ўртанган кўнглига таскин берган бўлди. Гўёки оталарча меҳрибонлик кўрсатди. Уни ўз ҳомийлигига олиб, ёрдамини аямаслигини таъкидлади. Гапни айлантириб, отасининг хизмати учун битта юк машинаси беришини айтади. 22 ёшли Дилшод бундай «беминнат» ёрдамдан мамнун эди. Лекин коса тагида ним коса борлигини қаёқдан билсин! Таклифни қабул қилди. Ким ошди савдосида «Камаз-5320» русумли 12АЕ 662 давлат белгили автомашина 418000 сўмга Д.Холбековга сотилди. Мол-ҳол, эчки-улоғини сотиб Дилшод автомобилни харид қилади. Устаси фаранг раҳбар эса ҳисобот-ҳужжатларда А.Холбеков оиласига 842490 сўмлик товон пули ўрнига «Камаз» автомашинаси туҳфа қилинганлигини қайд этиб, ишни якунига етказди.

Ёлғоннинг миси қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади, дейишади. Ў.Асқобиловнинг найранги ҳам тез орада фош бўлди. Таассуфланарли жойи шундаки, қурувчилар раҳбари қаровчисидан айрилган оила аъзоларига мадад кўрсатиш ўрнига уларнинг чўнтагига қўл солган, шилган. Буни «Камаз» учун Д.Холбеков томонидан кўчма жамланма ҳисоб рақамига ўтказилган пул ҳам исботлаб турибди.

«Мирзачўл» механизациялашган кўчма жамланмаси раҳбарлари ўзларини ҳар ёнга ташламасин, марҳум А.Холбеков оиласига 842490 сўм товон пулини тўлаб беришга мажбурдирлар. Лекин ушбу адолатли талаб қачон амалга оширилади? Ушбу саволга Сирдарё сув қурилиш трести раҳбари Б.Субонов аниқ жавоб беради, деган умиддамиз.

Бобо НИЗОМОВ, Сирдарё вилоят бош давлат меҳнат техника инспектори.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

НАМАНГАННИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ



(Боши 1-бетда)

- Бу ўзгаришлар ходимларимизнинг фидокорона меҳнати натижасидир, - дейди Икромжон Каримов. - Шунинг учун уларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор беряпмиз. Хусусан, тез орада Наманган вилояти йўл қурувчиларига бир хил коржома берилади. Коржомаларнинг турлари йилнинг тўрт мавсуми учун алоҳида тайёрланади.

Ходимларнинг оила аъзолари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Бирлашма қарамоғида 2 та болалар боғчаси мавжуд. Болаларнинг бир қисми боғчага бепул қатнайди: барча харажатларни «Наманганавтойўл» ўз зиммасига олган. Шунингдек, бирлашма вилоят марказидаги маҳаллалардан бирига ҳомийлик қилади. Маҳалланинг камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларига мунтазам равишда имкон қадар ёрдам кўрсатмоқдамиз.

Оналар ва болалар йилида бирлашмада ишловчи аёллар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга доир чора-тадбирлар давом эттирилади. Меҳнат жамоаси ишлаб чиққан махсус дастурда барча аёл ходимларга дам олиш уйлари ва санаторийларга бепул йўлланма бериш кўзда тутилган. Бирлашма ходимларнинг шартнома асосида олий ўқув юртларига ўқишга кирган фарзандлари учун ўқиш харажатларини тўлашни ҳам ўз зиммасига олган.

Бирлашмада ходимларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ерда «Энг моҳир уста» танловларини ўтказиш анъанага айланган. Республика танловларида бир неча бор ғолиб чиққан автогрейдерчи Олимжон Зуҳриддинов Германияда ўтказиладиган йўл техникаси кўргазмасига юборилади.

Йўл қурилиши ишлари сифатини ошириш мақсадида бирлашмага қарашли барча бўлинмаларда босқичма-босқич қўшимча йўл техникаси сотиб олишга қарор қилинди. Бу иш билан туман бўлинмаларидан ташқари бирлашма таркибидаги 5 та акционерлик жамияти ҳам шуғулланади. Ўтган йили улар томонидан 300 миллион сўмдан ортиқ ишлар бажарилди. Бирлашма ходимларининг мазкур акционерлик жамиятлари акциялари учун оладиган дивидендлари вилоятда энг юқори ҳисобланади. Масалан, «Қурилиш-монтаж бошқармаси» акционерлик жамияти акцияларининг номинал қиймати 3 марта ошиб, 4450 сўмга етди.

Вилоят йўл қурувчилари жорий йилда ҳам катта ҳажмдаги ишларни бажаришни режалаштирган. 700 километрлик йўл таъмирланади. Асосий эътибор янги йўллар қурилишига қаратилади. Ҳозирги пайтда Наманган-Андижон автомобил йўлини қайта қуриш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Йўлнинг Андижон вилоятига олиб борувчи 13 километрлик қисми бутунлай янгиланади. Йўлнинг икки томонида ёритувчи чироқлар ўрнатилади. Йўл халқаро андозаларга мувофиқ ёруғлик қайтарувчи йўл белгилари, бошқа белгилар билан жиҳозланади. Бу ишлар учун 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланади.

Шундан сўнг йўл қурувчилар вилоят марказини Қамчиқ ва Резак довонлари билан боғловчи 82 километрли Наманган-Пунгон йўлини қайта қуришга киришади. Йўлда тунги ёритгичлар ўрнатилади, шунингдек, унга олий тоифадаги йўл мақомини берувчи бошқа зарур ишлар бажарилади. Жидакапа-Нанай трассасида ўтган йили бошланган айланма йўл қурилиши давом эттирилмоқда. Унинг 3,2 километрлик қисмида тўртта кўприк барпо этилади. Яқин орада Наманган-Косонсой автомобил йўлининг бир қисми бутунлай янги қиёфага киради. Йўл қурувчиларнинг режалари амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлади.

Назира ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

«Бандлик дастури» қандай бажарилмоқда?

ИШСИЗЛИК МАҚОМИ, НАФАҚАСИ

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгашида меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси билан биргаликда йиғилиш ўтказилди. Унда меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Ўтган йилда хўжалик ва идоралар билан 28 та вилоят, 26 та туман тармоқ келишувлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари эса иш берувчилар билан 1728 та жамоа шартномалари қабул қилди. Шу билан бирга «2000-2005 йилларда янги иш ўринлари яратиш тўғрисида»ги истиқбол дастури асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йил давомида 13316 киши иш сўраб мурожаат қилган эди. Улардан 915 нафари ишга жойлаштирилди. 2608 кишига ишсизлик мақоми берилиб, 1065 ишсиз жамоат ишларига жалб этилди.

Шунингдек, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан 809 нафар киши касбга ўқитилиб, бу мақсадлар учун 7066,9 минг сўм маблағ сарфланди. 675 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди: 2737 нафар меҳнаткаш квоталанган иш жойларига тақсимланди, 99 нафар фуқаро Жанубий Кореяга ишлаш ва касб ўрганишга юборилди.

Маълумки, ишсизларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларда яшайди. Шуни инобатга олиб, 9189 та янги иш ўринларидан 6716 таси қишлоқларда яратилди. Бу эса юзлаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконини берди. Унга қўшимча равишда квоталанган иш ўринларига 2737 нафар ўғил-қиз жойлаштирилди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий ночор корхоналар бўлиши табиий ҳол. Ана шундай корхоналардан штат қисқаришига тушганлар 421 кишини ташкил этади. Улар жойлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари томонидан алоҳида дастур асосида ишга жойлаштиришга эришилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларда жамоа шартномаларининг бажарилиши давлат меҳнат ҳуқуқ назоратчилари томонидан доимий кузатиб бориляпти. 261 та хўжалик юритувчи субъектда текшириш ўтказилганда, жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди. Айбдор мансабдор шахсларга 812104 сўм жарима солинди.

Шуниси диққатга сазоворки, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга квотали иш жойлари барпо этишга алоҳида эътибор бериляпти. Бу борадаги қарорларни бажармаган корхона раҳбарларига вақтида тегишли чора кўриляпти. Масалан, бултур шундай шахслардан жами 539604 сўмлик жарима ундириб олинди.

Бандлик дастурини амалга оширишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиш суръатига мутаносиб равишда янги иш ўринлари барпо этиш кўлами кўпайиш ўрнига аксинча, камайиб бораётгани кишини ташвишга солади. Чунончи, вилоятда 1999 йили 10819 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2000 йилда бу рақам 9380 тага тушиб қолди. Яна бир муаммо - корхоналарни замонавий техника ва технология билан қайта жиҳозлаш ҳисобига иш ўринларини тиклаш масаласи ижобий ечимини топмаяпти.

Яна бир масалага тўхталиш жоиз. Квота бўйича ишга жойлаштирилган шахсларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам касаба уюшмалари меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимларининг ўзаро ҳамкорлигини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Масалан, «Дўстлик дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида туман меҳнат бўлими йўлланмаси билан борган 17 ёшли П.Кекеджан меҳнат шартномаси тузилмасдан ишга қабул қилинган ва унга 36 соатли иш ҳафтаси жорий этилмаган. Амалда у 42 соатдан ишламоқда. Худди шундай ҳолатни Дўстлик пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига квоталаштирилган иш ўрнига қабул қилинган, вояга етмаган Э.Нафасова мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай ҳолларга касаба уюшма қўмиталари томошабин сифатида қараб келаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шу каби қатор муаммолар йиғилишда атрофлича муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди ва тегишли қарор қабул қилинди. Энди гап амалий ишга ўтишда қолди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

НАВРЎЗ ИНШООТЛАРИ

Қашқадарё вилоятида бир қанча тиббиёт ва таълим муассасалари ишга тушди. Жумладан, Қамаши туманида 422 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб, болалар поликлиникаси, 100 ўринли болалар шифохонаси, 370 ўринли 3 та болалар боғчаси қурилди. Муборак шаҳрида иқтисодиёт, Қаршида қишлоқ хўжалик, Касби туманида касб-ҳунар коллежи очилди. Шунингдек, Қарши шаҳри ва вилоятнинг барча туманларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари қурилди.

Фойдаланишга топширилган иншоотларни барпо этишда вилоятдаги 19-«Қашқадарёдеҳқонқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Вилжамхўжқурилиш» трести, 13-«Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонаси ишчи-хизматчиларининг ҳиссаси катта бўлди.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

Ибрат

Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгашида 2000 йилда энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилган вилоят кўрик-танловининг якунлари кўриб чиқилди.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Шуниси диққатга сазоворки, йил давомида тармоқ касаба уюшма қўмиталари, жамоатчилик комиссиялари ва меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар жойларда ишларни мунтазам кузатиб бордилар. Унда меъёрий ҳужжатларга риоя қилинаётгани, ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва улар учун хавфсиз иш шароитлари яратиб бериш борасида белгиланган тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Комиссия аъзолари, шунингдек, жамоа шартномаларида қайд этилган мажбуриятлар, битимлар бажарилишини назорат қилиш билан бирга техника хавфсизлиги ва саноат санитариясига қатъий риоя этиш юзасидан киритилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳам ҳисобга олди.

Шундай қилиб, йил якуни бўйича йилни ишлаб чиқаришда шикастланишларсиз ўтказишга эришган «Нефтгазқурилиштаъмир» ҳиссадорлик жамияти 5-вакиллик идораси ҳамда «Бухоройўлгранит» ишлаб чиқариш корхоналари ғолиб деб топилди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг қарори билан «Энг яхши касабақўм» ҳамда «Энг яхши меҳнат муҳофазаси» деган номга сазовор бўлган жамоалар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг дипломи ва пул мукофотига тавсия этилди.

Бир қатор корхона ва ташкилотлар эса вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида 1-вакиллик идораси, «Бухородон», «Бухоротекс», вилоят клиник касалхонаси, «Бухороавтойўл» жамоалари бор.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

«МЕДИКО-МЕДИКАЛ» ТУҲФАСИ

Нурота туманида Оналар ва болалар йили муносабати билан туғруқ мажмуи фойдаланишга топширилди. 60 ўринли бу масканда вилоятда биринчилардан бўлиб Финляндиянинг «Медико-медикал» фирмасининг 1.280 минг сўмлик энг замонавий асбоб-ускуналари ўрнатилади.

Албатта, бу нуроталик жонкуяр тиббиёт ходимларининг аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, тармоқни шу куннинг илғор асбоб-ускуналари билан таъминлашдаги биринчи қадами эмас. Янги йил арафасида 20 ўринли тез ва шошилинч ёрдам бўлими ишга туширилди. «Саломатлик маркази»га 1,5 минг АҚШ долларлик техника олиб келинди. Шунингдек, ўтган қисқа давр ичида Жилонтомғали, Қировут, Оқтепа қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Йил охиригача эса Попанай, Мозор, Катта Еж, Сувлиқ қишлоқлари аҳолиси, «Ғозғонмармар» ишчи-хизматчилари ана шундай қулайликка эга бўлади.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

КОРХОНА УЗЛУКСИЗ ИШЛАЙДИ

Нукус туманида «Қорақалпоқтомат» корхонаси фойдаланишга топширилди. Италиянинг «Алберто Бертуччи» фирмаси технологияси билан жиҳозланган корхонада соатига 10 тонна помидор қайта ишланиб, томат тайёрланади.

- Корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, маҳсулот экспортини тўхтатмаслик мақсадида олма, сабзи шарбатлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади, - дейди «Қорақалпоғистон агросаноат бирлашмаси» бош директори Н.Полвонниёзов.

Паркент туманидаги Паркент бозори очиқ турдаги акционерлик жамияти Ветеринария назорати ходимлари ҳам шу кун талаблари асосида иш юритишмоқда. Бозорга сотиш учун келтирилаётган ҳар қандай маҳсулотлар ва айниқса, гўшт маҳсулотлари ветсанэкспертиза синовхонаси томонидан махсус текширувдан ўтгандан кейин сотишга рухсат берилади.

Бозор маъмурияти саъй-ҳаракати туфайли бозор қошида махсус қўшхона ташкил этилиб, бу ҳам ўз навбатида гўшт сифатини аниқлашда яхши самара бераяпти.

Суратда: туман давлат санитария-эпидемиология назорати бош шифокори Хайриддин Тожибоев ҳамда бозор ветсанэкспертиза синовхонаси ходими Рустам Пайзихўжаевлар маҳсулот таркибини кўздан кечиришаяпти.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

104 КИШИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Навоий туманидаги Қодир Раҳимов номли ширкат хўжалиги инфратизилмани шакллантириш ҳисобига иш ўрни қисқарган ва бекор юрган 104 кишини янги иш ўринлари билан таъминлаш имконини яратди. Бунга хўжалик ташаббуси ва амалий ёрдами билан жойларда маиший хизмат кўрсатиш нуқталари — ошхоналар, тегирмон, дорихона, автомашиналарни таъмирлаш устахоналари очиш ва миллий ҳунармандчилик тармоқларини кенгайтириш ҳисобига эришилди.

Хўжалик иқтисодининг йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётгани ишловчиларнинг меҳнат, дам олиш ва яшаш шароитларини яхшилаш, қишлоқда спортни ривожлантиришга пухта замин яратди. Ҳозир хўжаликдаги «Ёшлик» стадиони доимо спорт ишқибозлари билан гавжум. Чунки миллий кураш, воллейбол, каратэ секциялари мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

ЛАБОРАТОРИЯНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Муаммо кўндаланг қўйилади

Фуқаролар саломатлигини сақлаш, турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳам ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмидир. Аммо баъзи раҳбарларнинг бефарқлиги, масъулиятсизлиги оқибатида мазкур масаланинг айрим жиҳатлари негадир эътибордан четда қолмоқда. Бу, айниқса, деҳқон бозорлари қошидаги лабораториялар фаолиятига тааллуқлидир.

Олимжоннинг кенжаси Ҳалиманинг туғилган кунига бағишланган оилавий кеча жуда мароқли ўтди. Ака-ука ва опа-сингиллар роса яйрашди. Афсуски, қувонч узоққа чўзилмади. Ярим тунда уч қиз ва бир ўғилларининг иситмаси чиқиб, қайд қила бошладилар. Охири Олимжон «Тез ёрдам» чақиришга мажбур бўлди. Дўхтирлар болаларнинг овқатдан, яъни тарвуздан заҳарланганликларини айтишди. Бир йўла тўрт ўғил-қизни касалхонага олиб кетишди.

Демак, бу кўнгилсизликнинг юз беришига бозордан сотиб олинган полиз маҳсулоти сабабчи.

Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, нега деҳқон бозорлари қошидаги лабораториялар бундай кўнгилсизлик келиб чиқишининг олдини олмади?

— Сотилаётган қовун-тарвузларнинг кимёвий таҳлили борми?

— Йўқ, сабаби бизда бу хилда текширишлар ўтказиш учун ҳозир шароит етишмайди, — тан олди Косонсой деҳқон бозори лабораторияси мудири Жаҳонгир Тошхўжаев.

Юқоридаги каби ҳолатлар вилоятнинг деярли барча деҳқон бозорларидаги ветеринария-санитария лабораторияларига хосдир. Маҳсулот сифати ва таркиби чуқурроқ текширилмасдан сотишга рухсат этила беради. Масалан, вилоят ҳудудий стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази томонидан шу йилнинг январ ойида ўтказилган текширишлар пайтида юқоридаги ҳолатларга дуч келинди. Зарур шарт-шароит яратиб берилмаганидан маҳсулотнинг ташқи кўринишига қараб сотишга рухсат этилаверган.

Мингбулоқ, Косонсой, Уйчи, Норин туманларидаги деҳқон бозорлари қошидаги лабораториялар фаолияти айниқса сустлашиб кетган. Бир сўз билан айтганда, шароит йўқ. Шу сабабли текширишлар юзаки ўтказилиб расмийлаштирилмоқда. Барча лабораторияларда ветеринария қоидалари, меъёрий ҳужжатлар, услубий кўрсатмалар ва қўлланмалар асосида иш олиб борилмаяпти. Сузма, қаймоқ, қуртоб каби маҳсулотларнинг текширилишига боғлиқ меъёрий ҳужжатлар билан таъмин этилмаган. Мингбулоқ, Косонсой, Тўрақўрғон, Тошбулоқ, Чуст, Нанай деҳқон бозорлари қошидаги лабораториялар иши талабга жавоб бермайди. Махсус лампалар ўрнатилмаган. Поп, Учқўрғон, Норин бозорлари қошидаги лабораториялар қувурлари канализацияга уланмаган. Сабзавот ва қовун-тарвуз таркибини ўрганишда ғоят зарур ҳисобланган Ионометр ўлчаш воситасини кўп жойда учратмайсиз. Тошбулоқ лабораториясидаги айрим ускуналар қиёслов кўригидан ўтказилмасдан фойдаланилмоқда.

Шу ўринда бир муаммони таъкидлаб ўтишни истардик. Лабораториялар фаолиятидаги камчилик ва етишмовчиликни айтганингизда бозорлар маъмурияти бу уларга тегишли эмаслигини, вилоят ветеринария инспекциясига қарашлигини рўкач қилмоқда. Бошқармадагилар эса лабораториялар фаолиятига масъулиятсизларча муносабатда бўлишмоқда. Хўш, уларнинг эгаси ким ўзи? Дарвоқе, бундан қатъий назар лабораториялар маҳсулотлар орқали тарқалиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш ғарови эканлигини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай экан, улар фаолиятини талаблар даражасида йўлга қўйиш барча мутасаддиларнинг диққат марказида бўлиши керак.

А.НАЗАРОВ.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

ВИЛОЯТ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

ВИЛОЯТ ЁҚИЛҒИ–ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча меҳнаткашларни уйғониш, янгиланиш, яшариш фасли-қадрли ва ардоқли

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади!

Мустақил Ўзбекистонимиз буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги улуғвор ишингизда омад ёр бўлсин!

Тоғлар бағридаги бу гўзал қишлоқ, унинг бағри уммон ва меҳмондўст кишилари ҳақида кўп ёзилган. Ҳатто, «Кўксарой қўшиғи» деб номланган қисса ҳам босилиб чиққан. Лекин, ҳар гал Нанайга йўлим тушганда, қаламимга туртки берадиган нимадир топгандай бўламан. Бу сафар шу ерлик қадрдоним Абдумутал «Мана энди биздан дунёга танилган рассом ҳам етишиб чиқди. Еттинчи синфда ўқиётганидаёқ шунчалик обрўга эга бўлдики, вояга етганида қанақа бўларкин», деб қолди.

Ҳур Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари

ХОЛИДА

халқаро ҳамжамият мукофоти совриндори

Ростини айтганда, гоҳо дўстим фахрланганидай Янгиқўрғон туманининг Нанай қишлоғига Аллоҳнинг назари тушгани ҳақиқатга ўхшайди, деб қоламан. Негаки, Наманган вилоятининг энг чеккаси, қўшни Қирғизистон билан туташ бу қишлоқдан бутун Ўзбекистонга танилган одамлар, ёзувчилар, фан арбоблари етишиб чиққан. Қишлоқнинг пайдо бўлиши, одамларининг дунёга келиши хусусида ҳам ажойибғаройиб афсоналар юради. Лекин ўн уч баҳорни қаршилаб эндигина ўн тўрт ёшга қадам қўяётган Ҳолида Мирзакпарованинг ҳозирдаёқ чизган расмлари, ижодий фантазиясининг кенглиги ва ранг-баранглиги ҳамда изланувчанлиги бераётган самаралар...

...Кўз олдингизга келтиринг: осмонга бўй чўзган улкан қасрлар. Қаёққа қараманг, чумолидек уймалашган одамлар. Савдогарлар, ҳунармандлар, ҳаммоллару кўза кўтарган мешкоблар. Болалар қандайдир ўйинлар билан банд. Кокиллари мажнунтол новдаларидек солланган келинчак қаср четини ювиб ўтган сойдан кўза ботириб сув олмоқда.

...Жуда қадимги, ҳатто хаёлингизда ҳам тасаввур этишингиз мушкул бўлган ўтмиш замонларидаги бозор. Бешиклару ўйинчоқлар, ўймакорлик маҳсулотлари-ю ҳар турли тақинчоқлар.

...Ёки баланд кўшкда рақс тушаётган қизларни айтмайсизми! Афтидан, шоҳ қизининг канизаклари. Ўйин-кулги қилишяпти. Қуйида эса олис-олисларга чўзилган боғлар. Улар ортида бири иккинчисига занжирсимон уланиб кетган ва кўкиш туманга бурканган юксак тоғлар...

Юқоридаги тасвирлар биз сўз юритмоқчи бўлган ёш рассом Ҳолида мўйқаламига мансуб «Кўк сарой» деб номланган уч расм кўринишидан келтирилди. Мурғак қалб, мурғак тасаввур, катта йўл бошидаги кичик ижодкор интилишларининг мевалари.

— Буларни яратишингга нималар туртки берди? - сўраймиз қиздан.

— Бувим ва бобомдан болалигимда Кўксарой билан боғлиқ кўпгина ҳикоялар эшитганман, - оҳиста жавоб қилади Ҳолида. - Қачонки, тоғ томонга назарим тушса, ўшалар дарров эсимга тушаверади. Уларни ўз тасаввурим бўйича қоғозга туширишга уриндим. Келгусида мавзуни давом эттириш ниятим бор.

Қизалоқ ижодига туртки берган, мўйқаламини ҳаракатга келтирган қишлоқ ортидаги «Кўксарой» тоғи ҳақиқатан ҳам киши эътиборини тортади. Агар нанайлик ўн нафар оқсоқол билан суҳбатлашиб қолсангиз, ўн хил жавобни эшитасиз. Лекин мазмун-моҳияти битта бўлади: тошга айланган қаср! Айтишларича, олис ўтмишда бу ерда жаҳонга довруғ солган подшоҳлик ҳукм сурган. Унинг бойлиги беҳисоб, қудрати тенгсиз бўлган. Бир маҳаллар унга ғоят ақлли, шу билан бир вақтда айёр ва маккор шоҳ ҳукмронлик қилган. Қатор элларни ҳам куч, ҳам дўқ-пўписа билан забт этган. Ўша шоҳнинг якка-ёлғиз қизи бор эди, холос. Ғоят сулув, доно қизга совчи йўллаган шаҳзодалар рад жавобини ола беришган. Маликанинг отаси учун ўзидан ҳам бойроқ ва қудратлироқ куёв керак эди-да.

Бу орада қизнинг оддий чўпонга ишқи тушади ва аҳд-паймон қилиб, ойдин кечаларнинг бирида у билан қочиб кетади. Бундан ғазабланган подшоҳ дастлаб ҳар иккисини дорга остирмоқчи бўлади. Бироқ ёлғиз жигарбандини кўз олдига келтирган шоҳ ноилож қолади ва дунёда тенги йўқ саройини афсун билан одамларига қўшиб тошга айлантиради-да, ўзи эса бургутга айланиб, тоғлар ичкарисига қараб учиб кетади. Нақл қилишларича, ой юзли, қирра бурун, йигитлари паҳлавонсифат, аёллари гўзал Нанай қишлоғи одамлари ана шу малика билан чўпон йигитдан тарқалишган экан.

— Ҳолидада бу соҳага қизиқиш қандай пайдо бўлди?

— Бунинг тарихи ҳам қизиқ, - кулади қизнинг отаси Тўрамирза Мирзакпаров. - Беш ёшлик пайтлари эди. Кечга яқин ишдан қайтиб дарахтларга ишлов бериб юргандим. Кўчадан югуриб келди-да менга қараб:— Дада, улғайсам рассом бўламан, - деди.

Дастлаб бола-да, кўнглига келганини гапирди-қўйди, деб аҳамият қилмадим. Лекин бир маҳал қарасам, ҳарф ўрганиш ўрнига турли-туман нарсаларнинг расмини чизишга тутинди. Билсам, қишлоғимизга ташриф буюрган рассом ишини кўриб қизиқиб қолган экан.

Ўша учрашув ёш қизалоқда унутилмас таассурот қолдирганди. Сой бўйида сигирини етаклаб юрса, олдига устолсимон тахтача қўйиб олган йигит бир тоғ, бир сой томон қараганича нималарнидир чизарди. Орқа тарафдан яқинлашиб қараса, ажойиб табиат манзаралари. Унга тикилганича, ҳатто кеч тушганлигини ҳам сезмай қолибди. Сигирнинг ёлғиз ўзи эшикдан кириб келганлигини кўрган опаси Гулрух бориб қараса, синглиси рассом чизаётган тахтачага ром бўлгандек тикилганича қотиб турган экан. У опасининг турткисидан ўзига келди ва уйга қайтишаркан, сал фурсат ўтгач, дадасига айтган истагини билдирди:

— Катта бўлсам рассом бўламан. Мен ҳам Кўксарой кўринишларини чизаман!

Биринчи синфданоқ аъло баҳоларга ўқиш билан бирга сурат чизишга тутинди. Борабора аввалига қўшни мактаблар, кейинчалик туман, ундан сўнг эса вилоят миқёсидаги кўрик-танловларда қатнашиб юрди. Унинг алоҳида истеъдодини пайқаган устозлари янада обрўлироқ жойларга тавсия этишди. Қарабсизки, бир неча бор ўқувчиларнинг Ўзбекистон миқёсидаги беллашувлари ғолиби бўлди. Ниҳоят, ёш талантларнинг адабиёт, санъат, маданият соҳасидаги кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, Зулфия номидаги мукофот совриндори.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси томонидан ёшлар ўртасида эълон қилинган она табиат, муқаддас замин мавзуидаги кўрик-танловда ҳам 33-мактаб 7-синф ўқувчиси Ҳолида Мирзакпарова чизган расмлар юқори баҳоланиб, Халқаро Ҳамжамият ғолиби деб топилди.

— Мукофотлар танлаган йўлим тўғрилигига ишончимни оширади, - дейди Ҳолида. - Мен бундан кейин ҳам мактабда яхши баҳоларга ўқиш билан бирга ўзимни қизиқтирган мавзуларда расмлар чизишни давом эттираман, ҳақиқий рассом бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Миробод туманидаги тилни такомиллаштиришга ихтисослашган 32-махсус болалар боғчасида фарзандларимиз учун барча шароит муҳайё. Бу масканда болалар мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишади. Улар билан тажрибали педагоглар машғулотлар олиб боришади.

Суратларда: 1. Тарбиячи Наталья Ибодова жисмоний тарбия машғулотларини ўтаётир.

2. Болаларнинг севимли устози Гулчехра Иброҳимова кичкинтойлар билан маънавият хонасида.

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Навбаҳор Навоий вилоятининг кенжа тумани бўлса-да, мустақиллик йилларида бу ерда ўнлаб маданий-маиший, савдо иншоотлари, тиббий-таълимий муассасалар бунёд этилди. Улар бугун эл хизматида.

Наврўз куни туманнинг Й.Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни Навоий шаҳридаги «Самарбек» хусусий фирмаси қуриб битказди. Шифо маскани қурилишига 31 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Қарийб 8 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди.

(ЎзА).

ЯНА БИР ТРОЛЛЕЙБУС ТАРМОҒИ

Наврўз - Янги кун Жиззах шаҳрига янги имкониятлар билан кириб келди. Байрам кунлари шаҳарда янги троллейбус тармоғи ишга тушди. Шаҳарнинг Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси бўйлаб қатнаётган бу қулай ва арзон транспорт воситаси Қалия маҳалласи марказидан Пайпоқ тўқув фабрикасигача бўлган оралиқда аҳолига хизмат қилмоқда.

МАҲАЛЛАДА БОЛАЛАР ЎЙИНГОҲИ

Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳар бир маҳаллада спорт мажмуи ва спорт соғломлаштириш клубларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Яқинда туман маркази — Бешкент шаҳрининг Ровот маҳалласида болалар ўйингоҳи қуриб, фойдаланишга топширилди. Шуниси диққатга сазворки, иншоот туман машинатрактор парки меҳнат жамоаси ҳомийлигида бунёд этилди.

— Болалар ўйингоҳини қуриш учун корхонамиз томонидан 4 миллион сўм маблағ сарфланди, - дейди туман МТП бошқаруви раиси Истамбўри Адиев. — Эндиликда маҳаллада бир ярим минг кишилик спорт мажмуини ҳам барпо этишга киришдик.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Вилоятнинг қадимий қишлоқларидан бири Фазлида яшаб ўтган машҳур полвон Темир Азизов шарафига миллий кураш бўйича хотира турнири ўтказилди. Унда Қашқадарёнинг номдор полвонлари қатнашдилар.

Турнирда жаҳон чемпиони Баҳром Авазов биринчи, Нодирхон Музаффаров иккинчи ўринни қўлга киритиб, қимматбаҳо соврин эгалари бўлдилар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма спорти

МАОРИФЧИЛАР ДОНА СУРГАНДА

Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги, «Оналар ва болалар йили» ва Наврўз байрами муносабати билан таълим ва фан ходимлари туман ҳамда шаҳар касаба уюшма қўмиталарининг тармоқда фаолият кўрсатаётган ишчи ходимлари ўртасида ўтказилган шохмот ва шашка бўйича шахсий ва жамоа биринчилик мусобақалари якунланди.

Қизғин беллашувлар натижасида шохмот бўйича эркаклар ўртасида 1-ўринни пахтаободлик Иброҳимжон Каримов, 2-ўринни андижонлик спорт устаси Виктор Воронов, 3-ўринни қўрғонтепалик Музробжон Восилжоновлар, аёллар ўртасида 1-ўринни Андижон шаҳар 4-мактаб ўқитувчиси Мавжудахон Йўлдошева, 2-ўринни пахтаободлик мураббий Дилором Жумабоева ва 3-ўринни қўрғонтепалик ўқитувчи Оқибатхон Ғофуровалар эгалладилар. Шашкачилар баҳсида эса эркаклар ўртасида 1-ўрин Андижон тумани спорт мактаби мураббийси, мамлакат чемпиони, гроссмейстер Абдуқодир Тоштемировга, 2-ўрин Избоскан тумани 9-мактаб ўқитувчиси Мамасоли Тешабоевга ва 3-ўрин қўрғонтепалик Худойберди Ҳайдаровга, аёллар ўртасида эса 1-ўрин Избоскан туманидан Жамилахон Ўсаровага, 2-ўрин Марҳамат туманидан Авазхон Хўжамбердиевага ва 3-ўрин Шаҳрихон тумани вакили Умидахон Мўйдиноваларга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Қутбиддин АБДУРАҲМОНОВ,
мусобақа бош ҳаками.

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоийнинг Термиз шаҳридаги ҳайкали қайта таъмирланди. Наврўз кунлари янгидан жило берилган ҳайкалнинг очилиш маросими бўлди.

Қадимий манбаларда айтилишича, Мовараннаҳрнинг маданий, маърифий марказларидан бири, Буюк Ипак йўлидаги кўҳна савдосотиқ шаҳри бўлган Термизда ҳазрат Навоий бир неча бор бўлган.

Ҳайкал атрофига сержилло фавворалар қурилди, шоир номи билан аталадиган майдон ва боғ барпо этилди. Тошкент шаҳарсозлик ҳамда Гидролойиҳа илмий-текшириш институти мутахассислари томонидан тайёрланган лойиҳа асосида қурилган ва таъмирланган ушбу мажмуа Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлди.

(ЎзА)

Наврўзнинг қутлуғ қадами

ЯНГИ АСР БОҒЛАРИ

Ёз ойларида, айниқса, Хоразмда қуёшнинг оловли тафтидан паноҳ излаш муаммога айланади. Табиийки, бундай пайтларда ўз-ўзидан дарахтларга, соя-салқин жойларга муҳтожлик сезилади. Яшил олам қуриётган Орол тубидан шамол таъсирида учиб келаётган туз аралаш юзга яқин турли хил пестицид қолдиқларига «қалқон» вазифасини ҳам ўтаётганини ўйласак, довдарахтлар воҳа учун ниҳоятда муҳимлигини англаш қийин эмас. Лекин 4 минг гектарга яқин майдонни эгаллаган вилоят маркази Урганч шаҳрида дарахтлар етарли эмас. Ҳар йили бу ерга миллион тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади, аммо ёз жазирамаси, сувсизлик ва энг ёмони, қаровсизликдан, яна бир қисми сизот сувлари кўтарилиши туфайли қуриб қолади. Шаҳарда қадимдан мавжуд бўлган захкашларнинг кўпи эса кўмилиб кетган. Шу ва шунга ўхшаш сабаблар натижасида бугун Урганч шаҳрида ҳар бир киши учун 3-3,5 квадрат метр яшил майдон тўғри келяпти.

Кези келганда, туманлараро, вилоятлараро йўлларнинг муҳофаза ҳудудларини анча кенгайтириш ишлари ниҳоясига етиб қолганлигини таъкидлаш жоиз. Янги асрнинг дастлабки Наврўзини урганчликлар иккита улкан боғ ташкил қилиш билан бошладилар. Шаҳарнинг ўртасидан олмос камар бўлиб кесиб ўтган Шовот каналининг чап қирғоғида ташкил қилинаётган бу боғлар Аз-Замахшарий ва Авесто номи билан аталадиган бўлди. Каналнинг муҳофаза минтақасида экологик қонуниятларга зид равишда бир пайтлари қурилган ишлаб чиқариш ва маиший бинолар текисланиб, лойиҳа асосида йўлак, майдончалар олингач, кўчат ўтқазиш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, буюк бобомиз Аз-Замахшарий номи билан аталган боғни ташкил қилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Канал қирғоғида 13 гектар майдонни ташкил қилган бу боғ ўрни олдин ярим хароба жойлар бўлган. Ҳозир бу ерга лойиҳа асосида 10 минг туп терак, 2 минг туп гужум, олма дарахти, минг тупдан ўрик, нашвати, беҳи, атиргуллар ўтқазилди.

— Бу ерда вилоятнинг Янгибозор, Урганч, Хива, Хонқа, Гурлан туманларидаги ширкат ва жамоа хўжаликларидан боғбонлар қатнашмоқда. Айниқса, Хива туманидаги «Ўзбекистон», Хонқа туманидаги «Олтин соҳил» ширкат хўжалиги боғбонларининг ишлари ибратли бўлмоқда, - дейди биз билан суҳбатда Аз-Замахшарий боғини ташкил қилиш штабининг бошлиғи, вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Бахтиёр Иброҳимов.

Шу куни бу ерда 500 дан зиёд бунёдкорлар меҳнат қилишаётган экан. Ўзларига тегишли майдондаги ишларни тамомлаб қўйган Гурлан туманидаги «Гулистон», Хива туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзолари ўтқазган кўчатларга насос орқали кўтарилган Шовот каналининг сувлари тарала бошланди.

«Авесто» номи билан аталадиган боғ учун ҳам Шовот каналининг қирғоғидан жой ажратилди. Эски бинолар, ташландиқ жойлар бульдозер билан текисланиб, 20 гектарга яқин жой боғ яратиш мақсадида тайёрлаб қўйилди. Бу ерга, айниқса шанбалик куни бутун урганчликлар кўчиб чиққандек бўлди. Улар орасида фахрийлар, ташкилот-муассасаларнинг ишчи-хизматчилари бор. Ташкил қилинаётган янги боғнинг ўртасига «Авесто» ёдгорлик мажмуаси ўрнатилди. У бир қанча ёдгорлик бўлимларидан иборат бўлиб, архитектор Полвонназир Солаев лойиҳаси асосида тайёрланмоқда.

Урганчда барпо қилинаётган янги асрнинг илк боғлари ўтган йили барпо этилган Жалолиддин Мангуберди боғининг мантиқий давоми бўлади.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг собиқ раиси **Тамара МУРСАЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6